

РУСТАМ ЭГАМ

КЕЧИККАН СЕВГИ

ШЕЪРЛАР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

ISBN 978-9943-08-422-3

© Рустам Эгам, «Кечиккан севги». «Янги аср авлоди», 2009 йил.

БАҲОЛИ ҚУДРАТ ГУЛ ТЕРИБ

Шеърят ихлосмандлари Рустам Эгамни болалар шоири сифатида яхши танишади. Унинг қатор асарлари болаларнинг беғубор қалбидан жой олиб улгурган.

Мана, энди шоир «жиддий», катталарбоп шеърларини ҳам тўплаб, мухтасар бир мажмуа тузибди.

Бу олтмиш ёшни қаршилаётган шоирнинг сарҳисоби, десак ҳам бўлади. Чунки тўпلامга унинг энг сара шеърлари жамланган.

Рустам Эгам ижодига хос энг асосий сифатлардан бири шуки, у шеърларини чираниб ёзмайди, дардини қоғозга жўнгина тўкиб солади. Унинг аксарият шеърларида туйғулар самимий, тоза. Айниқса, боқий туйғу – муҳаббат ҳақидаги шеърларида шоирнинг юраги сим-сим оқиб турганини сезамиз:

Бу севги булоги сизиб чиқмоқда,

Унинг зилол суви нақадар шаффоф

дейди шоир бир шеърда. Севгининг шаффоф эканлигини англаш учун чинакам шоирона нигоҳ зарурлиги аниқ. Рустам акада ана шу нигоҳ бор.

Ёки мана бу шеърини қаранг:

Яна бир адаштир кўчангда,

Юлдузлар порлаган кечангда.

Бу чинакам ошиқ ва сир тўла юракнинг соҳир нидоси эмасми? Шоирнинг Ватанга бағишланган шеърлари ҳам ўзгача:

Агарда бағрингда тутмасанг,

Озорли чертилар баётим

дея у она Ватанга ўз муҳаббатини изҳор этади.

Рустам Эгам бағоят дилкаш ва тоза кўнгилли инсон. Шундайин инсоннинг муваффақиятидан қувонмай бўладими? Зеро, ушбу мажмуа муаллифнинг ўзига-ю шеърпарастларга ҳам муборак бўлсин. Қолаверса, назмнинг бепоён бўстонида баҳоли қудрат гул тераётган камтарин шоир Рустам Эгамни 60 ёши билан дилдан қутлаб қоламиз.

*Наби ЖАЛОЛИДДИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси аъзоси,
М.Юсуф номидаги вилоят Ижодкорлар
клуби раҳбари*

ВАТАН ТҰЛА БОШЛАР БАҒРИМГА

Ватан тўла бошлар менинг бағримга,
Кенгая бошлайди вужудим бирдан.
Ватан тўла бошлар менинг бағримга,
Кўзларим отилар бу ажиб сирдан.

Ватан тўла бошлар менинг бағримга,
Қандайин хокисор, жафокаш Ватан.
Уни асрамоқлик бурчи қалбимда,
Бағримга яширай, паноҳ бўлсин тан.

Ватан тўла бошлар менинг бағримга,
Ватанфурушлардан сақлайин уни.
У менга ва сенга умидли боқар,
Сен ҳам дўст, елканг тут, унутма шуни.

Ватан тўла бошлар менинг бағримга,
Вужуд кенгаяди Ватан сиққудай.
Ватан тўла бошлар менинг бағримга,
Мен уни бағримда инжудай сақлай.

ҲҲҲҲҲ

Мана кун келдику борни айтмоққа,
Юракдаги дарду зорни айтмоққа,
Дилдаги қўшиққа сохта тўн бичмай,
Ҳайқириб-ҳайқириб уни тўкмоққа.

Энди мудрамоқдан уйғонди кўнгил,
Эй ақл, сен борин айтмоққа кўнгил.
Соф қўшиқ таралсин энди борлиққа,
Энди вужуд сира кўнмас хорликка.

ВАТАН МЕҲРИ

Кўкда оғирлашган турналар учар,
Жуда оғир, оғир улар парвози.
Улар энди иссиқ ўлкага кўчар,
Гўё кўчмоқликдан бўлар норози.

Баҳорда турналар ўзгача келар,
Гўё енгиллашган улар парвози.
Бамисли ўқ мисол юртимга елар,
Онанинг бағрига қайтмоққа рози.

ЯШАГИМ КЕЛАДИ ЖОНЛИ ГУЛ БИЛАН

Ёнимда турар у мисли қоғоз гул,
На ҳид таратади, на суюди ул,
Қалбимдан чиқарай мен уни буткул,
Яшагим келади жонли гул билан.

Булбулдай куйласам у очилмайди,
Қувончдан ҳидлари ҳеч сочилмайди,
Лоқайддир сўзларим уқа билмайди,
Яйрагим келади жонли гул билан.

Қандай ҳаётимда пайдо бўлди у,
Қиё ҳам боқмайди қалбдан қуйсам сув,
На бир ифоридан вужудда туйғу
Қувнагим келади жонли гул билан.

Ҳаттоки булбул ҳам яйрар гул билан,
Ҳамроҳи жонли гул сайрар ул билан,
Ёқимли ҳидини туяр дил билан,
Куйлагим келади жонли гул билан.

Яшагим келади жонли гул билан.
Яйрагим келади жонли гул билан.
Қувнагим келади, куйлагим келар,
Боғларда яшнаган гул, булбул билан.

ВУЖУД НОПОК БЎЛСА...

Вужуд қалбни узоқ элтар кемадир,
Баъзан вужуд гўзал, етмас нимадир.
Гўё кема нобоп бўлса, шўрлик қалб,
Эзилиб бир гирдоб ичра еладир.

Эзилиб бир гирдоб ичра еладир,
Англамас қаёқдан қаён келадир,
Вужуд қалбни солса бир гирдибодга,
У туймас, қаёқдан қаён кетадир.

У туймас, қаёқдан қаён кетадир,
Ўзин чиркин танда токай элтадир.
Покиза бир руҳга қилса хиёнат,
Тарк этар вужудни қолиб нетадир.

Руҳсиз қолган вужуд хор-зор йитадир,
Шаффоф руҳ кўкларга парвоз этадир.
Шаффоф руҳ соф кўкка зумда етадир,
Кетадир, кетадир, ташлаб кетадир.

Вужуд нопок бўлса қолиб нетадир!?

ҚАЛБИНГГА КЎМИЛАЙ

Қалбимни қалбингга кўймоқ истайман,
Қалбимга қалбингдан бир боғ истайман.
Қалбим гўё булбул шу боққа қўнсин,
Мен сендан ўзимга паноҳ излайман.

Мен сендан ўзимга паноҳ излайман,
Паноҳ тополмасам зор-зор бўзлайман.
Мен ўзимга қанча қўполлик қилмай,
Азизим, бил, сени фақат сизлайман.

Азизим, бил, сени фақат сизлайман.
Қалб ўтинг бахш этгин, йўқса музлайман.
Қалбингни қалбимга ҳамоҳанг қилгин,
Қалбимни қалбингга кўммоқ истайман.

АЙ, НАСИМ...

Ай, насим қандайин шафқатсиз, золим,
Супуриб кетдику ёрнинг изини.
Бу ҳам гўё камдек ёр билан бирга,
Узоқларга элтди дилдор исини.

Ай, насим қандайин шафқатсиз, золим,
Эсса ўпич олар ёр дудоғидан.
Энди не кечаркин менинг бу ҳолим,
Қалб қақшаб йиғлайди ёр алдоғидан.

Ай, насим қандайин садоқатли дўст,
Олиб келди охир ёрнинг бўйини.
Шундай пайт йўқолар ҳаётда кам-кўст,
Олқишланг, дўстларим, ошиқ тўйини.

Ай, насим қандайин садоқатли дўст,
Ёр бирла келтирди ифор-атрини.
Шундай пайт яралар қалбда яна сўз,
У кўнгилга солар шеърнинг сатрини
Ай, насим...

ЛЕК СЕВГИ ҚОЛАДИ...

Ҳаётда ҳар неки ўтиши тайин,
Кўз олдингдан кетар изсиз йўқолиб.
Ёшлик ҳам ўтади гулдайин майин,
Лек, севги қоларкан қалбдан жой олиб.

Ҳар неки ўтмишга айланиб борар,
Тополмассан асло уни ўнгингда.
Кўп жозоба, чирой орқада қолар,
Лек, севги нур сочиб турар кўнглингда.

У бутун бағринга сингиб кетади,
Қалбингдан ўчириб ташламоқ мушкул.
Сўнги манзилга ҳам сенла етади,
Ҳатто сендан сўнг ҳам яшаши мумкин.

Ҳа, ҳаётда кўп не ўтиши тайин,
Лек, севги қолгуси гулдайин майин.

ЧЎЛПОН

Дарахтни кесдилар илдизи қолди,
Дедилар «ҳурликнинг саси йўқолди»...
Дарахтни қулатган у малъун зотлар,
Фақат бир нарсани чиқарди ёддан:

Илдизи бор эди тошни ёрувчи,
Яна нафас олиб кўкрак керувчи!
Тонгда бўй чўзди у юксакни кўзлаб,
Толмади ҳуррият ҳақида сўзлаб.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1707> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1707> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1707>